



## ЯНГИ АВЛОДНИ МАЪНАВИЙ, ТАРБИЯВИЙ ХАМДА ЖИСМОНИЙ МАХОРАТЛАРИНИ ОШИРИШ

**Амонтурдиев Бахтиёр Курбонович**

Термиз Давлат университети жисмоний тарбия ва спорт

уйинлари кафедраси мудири, Доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7349511>

### ARTICLE INFO

Received: 13<sup>rd</sup> November 2022

Accepted: 20<sup>th</sup> November 2022

Online: 22<sup>nd</sup> November 2022

### KEY WORDS

Урф - одатлар, кадриятлар,  
маданий мерос, уйғониш  
даври, мутафаккир,  
маданият, ёш авлод,  
маънавий баркамоллик.

### ABSTRACT

*Ушбу мақолада шахс ахлокий ва маънавий камолотида шарқ мутафаккирлари меросининг ахамияти ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний , маънавий , ахлокий тарбиялаш жихатлари ёритилди .*

Инсонпарварлик миллий кадриятларимиз сирасига киради . Уйғониш даври фани ва маданиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири бу инсонга хос табиий , бадий , маънавий фазилятларни юксалтириш , инсонпарварликни улуғлаш , баркамол авлодни тарбиялашда олий маънавий конунларга риоя қилишдир . Биз кўраётган эркин фукаролик жамиятида инсонга меҳр - мухаббат ва иззат - хурмат курсатиш ҳамда шахсининг хар томонлама камол топиши учун зарур бўлган хақиқий инсоний шарт - шароитларни яратиш олдимизга қуйилган олий мақсадимиздир . Хозирги кунда хар бир шахсдан ва миллатдан мутейлик ҳамда локайдлик кайфиятини енгиш талаб этилади . Бунинг учун эса , айникса , ёшларимизда ирода , яъни янгича дунёкарашни шакллантириш зарур ўсиб келаётган ёш авлод маънавий баркамолликнинг туб мохиятини тушуниб англамоқда .

Дунёдаги барча халқларнинг яхшилик . эзгулик , инсонпарварлик гоёлари , киндик қони туқилган , аждодларидан авлодларигача абадул - абад мерос бўлиб қолган Ватани бор . Бу Ватан замини тоғу тошни , гиёҳ битмас саҳрони , у шу ерни Ватаним деб билган миллат учун муътабардир . Чунки , инсон учун ота битта бўлганидек , Ватан ҳам ягонадир . Бизнинг асосий вазиғамиз , дустликни мустаҳкамлаш , Ватанимизнинг порлоқ истикболини яратиш , илгор мамлакатлар каторидан ўрин олиш , халқимизнинг соғлом турмушини , маданиятини юксалтиришдан иборат . Туркистон фарзандлари қиличдан кўра қалимани , ёвузликдан кўра яхшиликни , бузишдан кўра яратишни афзал билган экан . Бу юртнинг азиз авлиёлари , улуғ алломаларининг илму - маърифати , ақл зиёси билан йўғрилган заковатлари кабохатни чекинтириб , зулматни ёритган . Хозирги даврда ҳам миллий -



маънавий кадриятлари тикланиб , Ватан ва миллатнинг асл фидойисига айланганлар . Келажакдаги фаровонлигимиз манбаи меҳнатда , илмда ва фахм фаросатликладир . Шунинг учун ҳам мухтарам Президентимиз ёшлар тарбиясига , уларнинг илм олиши ва ахил , маънавий баркамол инсон бўлиб етишишига катга аҳамият бермоқда . Уларнинг маънавий дунёкарашини шакллантиришда , миллий кадриятларимизни чуқур ўрганишда кино , театр , бадиий адабиёт катта аҳамият касб этади . Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини факат ўраб - чирмаб , уни ўкима , буни кўрма , деб бир томонлама тарбия бериш , уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш , ҳеч шубҳасиз , замоннинг талабига ҳам , бизнинг эзгу мақсад- муддаоларимизга ҳам тугри келмайди " Кайд этилган фикрлар ҳозирги даврда инсон ҳаётида ахборот ва билимлар хилма - хиллигининг ўрни ва аҳамиятини янада чуқурроқ англашга хизмат қилади . Ёшларнинг муҳим вазифаларидан бири миллий кадриятларимиздан боҳабар бўлиб , уларни ўрганиб , ардоқлаб , куз қорачигидек асраб , кейинги авлодга қолдиришдир . Бу эса жуда хайрли ва масъулиятли ишдир . Мамлакатимизда давлатимиз томонидан ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний , маънавий , ахлокий тарбияланишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда . Шу боис ёшлар тарбияси , жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши , бугунги кунда ҳар бир ота - она , мураббийларнинг асосий вазифаларидан бири бўлмоғи керак . Унга бурч ва масъулият нуктаи

назаридан ёндошишни маънавий ва жисмонан соғлом авлодни шакллантириш гаровидир . Президентимизнинг " Соғлом инсон деганда биз фақатгина ахлокий шарқона этник қоидаларига таянган ҳолда , энг юксак анъаналар руҳида тарбияланган инсонни назарда тутамиз " деган фикрлари жуда оқилона айтилгандир . Руҳан ва жисмонан соғлом булган бола маънавий , ахлокий ва ақлий қамолотга эришиши мумкин . Чунки , ҳар бир инсоннинг , ҳар бир оиланинг , жамиятимизнинг муқаддас вазифаси қобилиятли фарзандларни устириш , уларни жисмоний ва маънавий етук , ота - онасига , Ватанига содиқ инсонлар этиб тарбиялашдан иборат . Маънавий тарбия воситалари ва усулларига келганда шуни алоҳида қайд этиш лозимки , бунда ҳар бир халқнинг шакланган ҳаётий , тарихий тажрибалари , урф - одатлари , кадриятлари ва адабий , маданий мероси ва анъаналарига таянмоқ қупроқ самара бериши мумкин . Бунинг боиси шуки , ҳар бир халқ , ҳар бир мустақил давлат маънавияти ва мафқурасининг шаклланиши ва қамоли ўша халқнинг ўтмишидаги анъаналарининг бор йуқлигига қўп жихатдан боғлиқ . Жумладан , биз Ал - Бухорий , Ат - Термизий , Аҳмад Яссавий , Баҳоуддин Накшбанд ва Нажмиддин Кубро қабиларнинг маънавиятига таяниб янглишмадик . Халқимизнинг ана шу бой тарихий тажрибалари урф - одатлари маънавий тарбиямиз учун муҳим восита бўлиб хизмат этди ва этмоқда . Уйғониш даври мутафаккирлари ислом динининг моҳиятини ҳаққонийлик , покликка чорлаб , бинобарин , у хамиша



кишиларни эзгулик , багрикенглик ва комиликка бошлаганини хам назарий , хам амалий нуктаи назардан изохлаб бердилар . Масалан , Исмоил ал - Бухорий ислом дини асрлар давомида юксак маънавият омили бўлиб хизмат килиб келганлиги ва унинг мавкеи тобора ошиб бораётганини ўша даврдаёқ асослаб берган эди . Биринчи Президент И.А.Каримов " Имом ал-Бухорий хазратлари нафакат Ўзбек халки , балки бутун мусулмон оламининг фахр - ифтихоридир . Ул табаррук зотнинг хаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат , букилмас

ирода . сўнмас эътикод тимсолидир " деб таъкидлаган эди . Шу боис Исмоил ал Бухорийнинг хаёти , фаолияти , у колдирган маънавий мерос даврлар оша ўз кадрю кийматини йукотмай , узининг ибратомуз таъсирини йукотган эмас . Муस्ताкил Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёшларнинг комил инсон бўлиб шаклланишини таъминлаш , ўз юртига муносиб ворислар юксак фазилатли , соглом фикрловчи , миллий ва умуминсоний кадриятларини эъзозловчи этиб тарбиялаш катта авлоднинг маъсулиятли , шарафли бурчи хисобланади .

### References:

1. Karimov I.A. Jamiyatimiz mafkurasi xalqni - xalq , millatni - millat qilishga xizmat etsin . -T .: O'zbekiston , 1998 .
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўк . - Т .: Ўзбекистон . 1988
3. Каримов И.А.Юксак маънавият - енги лмас куч - Т .: Маънавият " 2008